


# Alisher Navoiy tavalludining 585 yilligiga

# CHIRCHIQTONGI

Toshkent viloyati Chirchiq shahri hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi  
2026-yil, 6-fevral JUMA  
6-son (10305)

Chirchiq tongi gazetasi chirchiq\_tongi\_gazetasi https://t.me/chirchiq\_tongi\_telegram\_sahifasi

Befoyda so'zni ko'p aytma,  
Foydali so'zni ko'p eshiturdin qaytma.  
Alisher NAUOIY



## SHOIRLARNING SULTONI



Buyuk shoir, mutafakkir va davlat arbobi Alisher Navoiy ijodini inson hayotiga bag'ishlangan madhiyaga qiyoslash mumkin. Hazrat ijodi butun dunyoda katta qiziqish uyg'otib kelmoqda va bu asarlarning o'nlab tillarga tarjima qilingani yaqqol dalildir.

Buyuk shoirning so'nmas sharafiga siri uning ijodidagi chuqur falsafa, boy metaforalar, poetik obrazlarning rang-barangligi, inson ulug'vorligi va kamolotga intilish haqidagi g'oyalarni dohiyona tarzda kuylaganidir. Ushbu bunyodkor g'oyalar bugun ham milliy davlatchiligimizda muhim o'rin tutib, o'zbek xalqining mustahkam ma'naviy ildizlaridan dalolat beradi.

Yoshlik go'zalligi, kuch-qudrati va jo'shqin shijoati Alisher Navoiy ijodining ilk davrlaridan to umrining so'nggi kunlariga qadar bitmas-tuganmas ilhom manbai bo'lgan. Jumladan, "Mahbub ul-qulub" ("Qalblar mahbubi") nomli nasriy asarida so'z san'ati ustasi shunday yozadi:

**Naf'ing agar xalqqa beshakdurur  
Bilki, bu naf' o'zungga ko'prakdurur.**

Navoiy she'riyatida ham, avvalo, chuqur tafakkurga, qalb titrog'i va rahm-shafqatga tayangan buyuk ijodkor edi. Unga ona yurtga bo'lgan muhabbat, millat taqdiri haqidagi qayg'ular, haqiqat orzusi bilan to'lib-toshgan yuragida iztirob va g'am hamisha kamdek tuyuladi. Shu bois u g'azallaridan birida shunday yozadi:

**Takovaringg'a bag'ir qonidin hino  
bog'la,  
Ittingga g'amzada jon rishtasin rasan  
qilg'il.  
Firoq tog'ida topilsa tuprog'im,  
ey charx,  
Xamir etib, yana ul tog'da ko'hkan  
qilg'il.**

Oddiy inson, mehnatkash xalq manfaatlariga hayoti va ijodini bag'ishlagan buyuk shoir she'riyat olamiga yolg'onni kiritishni, o'quvchini aldash yoki chalg'itish yo'li bilan manfaat ko'zlab satrlar bitishni aslo tasavvur ham qila olmas edi.

U har bir insonni mavjud dunyoni o'zgartirishga, o'z taqdiri uchun mas'ul bo'lishga chorlaydi. Qanchalik kurash va hayotni o'zgartirishga intilish, bunyodkorlik insonning qadr-qimmatini yuksaltirib, uning rolini kuchaytirsa, shunchalik hayotning o'zi ham yangilanadi va o'zgaradi. Amallari va asarlari O'zbekiston yoshlariga ma'naviyat mash'ali bo'lib xizmat qilayotgan buyuk shoir va mutafakkir so'zlarining hayotdagi ifodasi bugun mamlakatimizda kechayotgan ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va ma'naviy o'zgarishlarda yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Navoiy ijodining ichki olamini anglash – bu alohida bir inson muammolarini bilish bilangina cheklanmay, jamiyat va davlat taraqqiyotining sir-asrorlarini tushunish demakdir. Dunyo, davr va xalq bilan bog'liq adabiy savollarga Navoiy ko'pincha oshiq qalb egasi va yetuk olim nuqtayi nazaridan javob beradi. Shu sabab uning she'riyatida shaxsni anglash, tuyg'ular va fikrlar uyg'unligining asosiy tayanchi aynan muhabbatdir. Alisher Navoiy kuylagan muhabbat – bu uning hayotga, borliq va

butun Koinotga bo'lgan munosabatidir. Ushbu yorug' tuyg'u haqida so'z yuritilgan asarlarda ayriq, hijron va cheksiz iztirob achchig'ligi ustun bo'lsa-da, ularning asl mohiyati va tayanchi abadiy go'zallik hamda yuksak haqiqatlardan iboratdir. Haqiqiy tuyg'ularsiz dunyo qashshoq va nochor bo'lib qolishini, qalb esa yovuzlik va johillikdan nurlanmasligini chuqur anglagan ajdodimiz o'z fikrini quyidagi satrlarda ifoda etadi:

**Kecha kelgumdur debon ul sarvi  
gulro' kelmadi,  
Ko'zlarimg'a kecha tong otguncha  
uyqu kelmadi.  
Lahza-lahza chiqdimu, chekdim  
yo'lida intizor,  
Keldi jon og'zing'ayu, ul sho'xi badxo'  
kelmadi.**

Navoiyning shaxsi va uning ijodi yoshlarni beg'araz e'tiqod, mustahkam ishonch va uyg'oq vijdon atrofida birlashtiradi. Uning insonparvar satrlarida insoniyatning ko'p asrlarga cho'zilgan orzu-umidlari oldindan sezilgandek:

**Olam ahli bilingizkim,  
ish emas dushmanlig',  
Yor bo'ling bir-biringizg'akim,  
erur yorlig'.**

Bugungi hayotimizda uchrayotgan ma'naviy-axloqiy muammolarni hal etishda, eng to'g'ri hayot yo'lini belgilashda, til va ma'rifat rivojida hech bir yozuvchi, shoir yoki olim bizga Navoiydek bevosita va chuqur yordam bera olmaydi. Shu bilan birga, Alisher Navoiy ochko'zlik va manfaatparastlik allaqachon dunyo tartibini buzib, unga zarar yetkazayotganini va bu illatlardan xoli insonni topish qanchalik mushkul ekanini ta'kidlar ekan, kelgusi avlodlarni ham ogohlantiradi:

### Adib nomi bilan bog'liq maskanlar

- ✓ O'zbekistondagi eng navqiron viloyat bo'lmish Navoiy viloyati Alisher Navoiyning nomlarini abadiylikka yetaklamog'da. Shuningdek, viloyat hududida Navoiy shahri ham mavjud.
- ✓ Toshkent metrosidagi eng mashhur bekatlardan biri Alisher Navoiy nomi bilan ataladi.
- ✓ Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti adib nomini saqlash yo'lida mantiqan a'lo qaror bo'lgan.
- ✓ Alisher Navoiy nomidagi davlat akademik katta teatri Toshkent shahri ko'rkiga ko'rk bag'ishlamog'da.
- ✓ O'zbekiston Milliy kutubxonasi ham bobomiz nomi bilan yuritiladi.
- ✓ Poytaxt markazida joylashgan Milliy bog' Alisher Navoiy nomi bilan bog'liq. U yerda adibning haykali viqor bilan qad rostlagan.
- ✓ Ma'lumotlarga ko'ra, hatto oyda joylashgan astronomik obyektlardan biri "Navoiy krateri" deb nomlangan.
- ✓ Bugungi kunda Minsk, Moskva, Ostona, Dushanbe, Boku, Shanxay, Tokio singari shaharlarda Alisher Navoiyga o'rnatilgan haykallar salobat to'kib, millatimizning betakror dahosini ko'z-ko'z etib turibdi.

Shunday ajdodlarga munosib bo'laylik!

**BUGUNGI  
SONDA:**

**МАҲАЛЛА ДАРДИ БИЛАН  
ЯШАШ ЗАВҚИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”  
СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ:  
ЭКОЛОГИК МУКАММАЛЛИК ВА  
БАРҚАРОРЛИК САРИ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
ТЕЗЛАШАДИ**

**ШЕЪРИЯТГА ТОҚАТ  
ҚОЛМАДИМИ?**

**ИЖОД ВА МАҲОРАТНИ  
УЙҒУНЛАШТИРГАН  
УЧРАШУВ**

Тиббиёт

## САЛОМАТЛИК МАРАФОНИ



Чирчиқ шаҳрида “Саломатлик марафони” оммавий тадбирлари бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи ижроси доирасида ташкил этилмоқда. Марафон февраль ойи давомида ўтказилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикага қаратилган.

Марафон доирасида шаҳардаги 5 та оилавий поликлиникада оммавий скрининг ва профилактик кўриклар ташкил этилмоқда. Айниқса, 45 ёшдан катта аёллар ўртасида кўрак беzi саратонини эрта аниқлаш мақсадида маммография текширувлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, болалар ўртасида гельминтоз ва онкогематологик касалликлар, катталар ўртасида юрак-қон томир ва қандли диабет касалликлари бўйича минглаб аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

Тадбирнинг асосий мақсади – аҳолини профилактик кўрикларга кенг жалб қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш. Мутахассислар барча фуқароларни марафонда фаол иштирок этишга чақирмоқда.

Малика РИСКИДИНОВА олган сурат



## МАҲАЛЛА ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ ЗАВҚИ

Унинг иш куни ҳар доим бир хил тартибда бошланади. Аммо ҳар сафар янги тақдирлар билан юзма-юз келади.

Эрталаб ишхонасига кириши билан кечаги мажбуриятларни яна бир бор кўздан кечиради, бажарилган ишларга баҳо беради. Бугун кимнинг эшигини қоқиш кераклигини, кимнинг дардини эшитиш лозимлигини уйлаб кўради. Кимга имтиёзли кредит зарур, қайси оилага иш ўрни топиб бериш лозим – барчаси унинг кунлик режасида алоҳида белгилаб қўйилади.



Бу фидокор инсон – Рашид Тўлашов шахримиздаги “Наврўз” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Унинг вазифаси қоғоз тўлдириш эмас, одамлар билан яшаш. У камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида меҳнат қилиб келаётган, ўз касбига сидқидилдан ёндашадиган инсон.

Фуқароларни корхоналарга олиб бориб, мавжуд иш ўринлари билан таништирилади, уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади. Ҳар ойда икки марта меҳнат ярмаркалари ташкил этиб, Кибрай ва Тошкент шаҳридаги вакант иш ўринларига ҳам маҳалладошларини йўналтиради.

Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратилишига бош-қош бўлади. Миграция пункти орқали Россиядан келган бўш иш ўринларига ҳам юртдошларимизни жўнатиш ишларини мувофиқлаштиради. Энг муҳими, ишга жўнатиб қўйиб, тақдирига бепарво қолмайди – доим кўнгироклашиб, мигрантларнинг ҳолидан хабар олиб туради.

– “Темир дафтар”да ҳозирча бирорта ҳам фуқаро қолмади, – дейди Рашид ака суҳбат давомида. – “Аёллар дафтари”га 113 нафар аёл киритилган. Улар орасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бор. 70 нафари ўзини ўзи банд қилган, қолганлари эса доимий ишга жойлаштирилди. “Ёшлар дафтари”да эса 3 нафар ёш бор. Биттаси ўзини ўзи банд қилди, икки нафар талабага олийгоҳда ўқиши учун шартнома тўловини тўлаб бердик.

Бу натижалар ортида минглаб ҳаракат,

юзлаб қадам, юракдан чиққан қарорлар бор. Унинг меҳнати рақамларда эмас, одамларнинг кўзларидаги умид ва қувончда намоён бўлади. Ўтган йили 40 та микролойиҳа ишга туширилиб, 78 та янги иш ўрни яратилди. Қарийб 40 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бу йил ҳам шу иш давом эттирилиши кўзда тутилган. Яъни 40 та микролойиҳа ташкил этиб, 80 та иш ўрни очиш режалаштирилган.

– Халқнинг оғирини енгил қилганимизда, одамларнинг юзига табассум қайтганини кўриш мени янада руҳлантиради, – дейди у.

Бу гаплар куруқ сўз эмас, албатта. Ёлғиз она Наргиза Касимова куни кеча келиб, кўзларида ёш билан миннатдорчилик билдириб кетгани Рашид ака учун энг катта мукофот бўлди. Шунга ўхшаш қийин кўнларида оилаларга берган ёрдамини унутмайдиган инсонлар маҳаллада талайгина.

Қийналган оилаларга маблағ ажратишда шошма-шошарликка йўл қўйилмайди. Шароити оғир оилаларга субсидия ва кредитлар беришдан олдин уларнинг оилавий шароити чуқур ўрганилади. Давлат маблағларининг тўғри сарфланиши, оиланинг қарзни қайтариш имконияти бор-йўқлиги, ноқонуний ишларга йўналтирилмаслиги қатъий текширилади. Шу асосда икки нафар шахсга субсидия, беш нафар оила аъзосига тикув машинаси, 2 нафарига электропеч олиб берилди. Шартнома тўлови тўлаб берилган талабалар эса маҳалладаги ҳашарлар ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, жамиятга хизмат қилишмоқда. Ҳикоямиз қаҳрамони уларни келажақда етук, фидойи кадрлар бўлиб етишишига ишонади.

Маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш ҳам унинг диққат марказида. Ёшлар учун иккита замонавий стадион қурилди. Бу маҳалладошларнинг қувончини янада оширди. Энди эса Ёшлар маркази ва маҳалла гузари ташкил этиш режа-

лаштирилмоқда.

Ҳоким ёрдамчиси ҳар куни пиёда юриб, маҳалланинг ҳар бир кўчасини, ҳар бир хонадонини кўздан кечиради. Аҳолининг турмуш шароитини ўз кўзи билан ўрганади. Байрам кўнлари ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳолидан хабар олишни унутмайди. Яқинда шундай фуқаролардан бирига янги коляска олиб берилди. У инсоннинг қувончини кўриб, ўзининг ҳам дили яйради.

Одамларнинг дарди билан яшаётган Рашид Тўлашов аслида Тошкент Политехника институтини тамомлаган, мутахассислиги – қурилиш муҳандиси. Турмуш ўртоғи Гулнора Жўраева узоқ йиллар ҳамшира бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада. Катта қизи Эргашева Дилноза Жаҳон тиллари университетини битирган. Азиза либос дизайни билан шуғулланади, Мафтуна кутубхонада ишлайди. Кенжа қизи Шахзода Ёнжу институтининг 4-курсида таҳсил олиш билан бирга “Анобанк”да бўлим бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда. Рашид Тўлашов ва Гулнора Жўраеваларнинг 6 нафар шириндан-шакар набиралари бор.

Рашид ака учун энг катта бойлик – шу оилавий бахт ва халқнинг ишончи. У ҳар куни ўз иши билан бир маҳалланинг тақдирига оз бўлса-да нур қўшаётганидан мамнун.

Бу йил мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган бежиз эмас. Чунки маҳалла – инсонга энг яқин, дардга ҳамдард макон. Маҳалланинг қуввати эса унда хизмат қилаётган инсонларнинг фидокорлигида. Рашид Тўлашов каби фидойи инсонлар фаолияти орқали бу ғоя ҳаётга кўчмоқда. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир қадами маҳалланинг юраги қаерда ураётганини кўрсатиб туради. Одамларнинг оғирини енгил қилишни ҳаёт мазмунига айлантирган инсонлар бор экан, бу ташаббус ўз самарасини беради албатта.

## ТИРИК ТАРИХ ЁКИ БИР АСРДАН ОШГАН ОНАХОН ҲИКОЯСИ

Бир асрлик довондан ошиб, юз билан юзлашган онахонлар борки, улар фақат бир хонадоннинг эмас, бутун маҳалланинг файзи, халқнинг тирик хотирасидир. Улар вақт билан елкадош бўлиб яшаган, асрнинг оғир-енгил синовларини бошидан ўтказган, тарихни китобдан эмас, тақдирдан ўқиган инсонлардир.

Ҳайдар Мақсудов маҳалласига қадам қўйган одам бу ердаги осойишталикни, одамлар ўртасидаги самимиятни дарҳол ҳис қилади. Қўшни-қўшниларда каттага ҳурмат, кичикка иззат бор. Бироқ бу маҳалланинг бошқаларда кам учрайдиган, ўзига хос маънавий хазинаси мавжуд. У – бир асрдан ортиқ тарихни қалбида сақлаган, 102 ёшни қаршилаган табаррук онахон Нурия Абдулинадир.

102 ёш – бу шунчаки рақам эмас. Бу – 37 мингдан ортиқ кунлик сабр, меҳнат, йўқотиш ва умидлар билан йўғрилган ҳаёт йўли. Бу – инсон тақдири билан аср тақдирининг бир-бирига туташган манзарасидир. Инсон умрини кўпинча дарёга қиёслашади. Кимдир бу дарёда қирғоққа етмай чарчайди, кимдир эса бутун бир асрнинг тўлқинларига дош бериб, сокин соҳилга етиб келади. Нурия момо ана шундай – шошилмай, аммо мағрур оққан улкан сой каби. У ҳаётидаги қийинчиликлардан ҳам, фаровон кўнлардан ҳам маъно топа олган матонатли аёл.

Вақт ўтиши билан дунё ўзгарди. Тузумлар алмашди, технологиялар инсон ҳаётини буткул бошқа йўлга бурди. Бироқ шундай қадриятлар борки, асрлар ўтса ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Меҳр, сабр, ҳалол меҳнат ана шундай абадий неъматлардир. Нурия момо ана шу қадриятларнинг тирик ифодаси, сўзсиз тарғиботчисидир. У ҳануз тетик. Хотиралари тиниқ, сўзлари равон. У кишининг ҳаёт йўли фақат бир инсон қисмати эмас, балки бутун ўтган асрнинг жонли солномасидир. Оғир уруш йиллари, меҳнат машаққатлари, истиқлолнинг илк қадамлари – буларнинг барчаси унинг ҳаётида из қолдирган.

– Ўсмирлик йилларим урушнинг энг қора кўнларига тўғри келган, – дея хотирлайди онахон. Унинг овозида ўтмишнинг оғир нафаси, кўзларида ўчмас мунг бор эди. – Эндигина ўн тўртта қирган пайтимда тақдир мени туғилиб ўсган юртимдан жудо қилди. Бошқирдистондан эвакуация қилиниб, Чирчиққа келиб қолдим. Вагон ичидаги совуқ, кўркув ва ноаниқлик ҳали-ҳануз ёдимда...

Уруш ота-онамни ҳам аямади. Улардан жудо бўлган кўнлардан бошлаб болалигим ҳам тугагандек бўлди. Икки акам Ватан ҳимоясига отланиб, фронтга кетишди. Уларга сўнгги марта қўл силтаб қолган манзара кўз ўнгимдан кетмайди. Кейин эса улардан дом-дарак бўлмади. Беда-рак кетишди.

Чирчиқдаги завод мен учун ҳам меҳнат мактаби, ҳам ҳаёт дарси бўлди. Ҳали бола бўлсам-да заводда ишлай бошладим. У ерда ўқ-дори, артиллерия снарядлари

ишлаб чиқариларди. Завод ичидаги темир ҳиди, станоклар садоси, кеча-кундуз тўхтамайдиган иш – буларнинг барчаси ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Биз қорни оч, юраги яра ёшлар бир мақсад йўлида елкадош бўлиб ишлардик. Чарчашни билмасдик. Билсак ҳам, уни ҳис қилишга ҳаққимиз йўқ эди. Чунки орқамизда – қонга ботган Ватан, олдимизда эса тинч кўнларга бўлган умид турарди. Ҳар бир ясалган снаряд, ҳар бир узоқ тун – ғалабага қўшилган кичик ҳиссамиз эди. Шу умид билан яшадик, шу умид билан қийинчиликларга бардош бердик.

Урушнинг дахшатли кўнлари ортда қолиб, ҳаёт секин-аста ўз изига туша бошлади. Қора тутун ва аламли хотиралар ўрнини умид, ишонч ва тинчлик эгаллади. Нурия Абдулина ҳам ана шу фаровон кўнларга етиб келди. Тақдир унга бу сафар бахт эшикларини очди.

У меҳнатсевар, ҳалол ва камтар инсон – Мирсади-ков Мирсаки билан турмуш қурди. Икки тақдир бир умрга туташди. Уларнинг хонадондаги бахт сабр, кундалик меҳнат ва ўзаро ҳурматда намоён бўлди. Шу хонадонда тўрт нафар фарзанд дунёга келиб, она меҳри, отанинг ҳалол меҳнати билан улғайди. Бугун ўша фарзандлар ҳам ҳаётнинг мазмунини англаб, ибратли умр йўлини босиб ўтиб келмоқда. Тўнғич қизи Тамара бугун 71 ёшда – онасининг сабри ва матонатини ўзида мужассам этган, оқил ва баркамол инсон. Ундан кейинги қизи Гулнора 69 ёшда, хонадонига файз-барака олиб қирган зукко аёл. Мавлюда Мирсакиева эса 67 ёшга кириб, онаси ўрганган меҳр-оқибат ва одамийликни ўз фарзандларига ўргатиб келмоқда.

Ёлғиз ўғли – Мирвоз Мирсадиқов ҳам бугун 62 ёшда. У отасининг камтарлиги, онасининг қатъиятини ўзида жамлаб, ҳаётда ўз ўрнини топган. Ҳозирги кунда кексалик гаштини суриб, фарзанд-неваралар даврасида умр кечирмоқда.

Нурия онахон учун эса фарзандларининг баркамоллиги – уруш йилларида йўқотилган болалик, чеккан машаққатлар учун берилган энг катта мукофот эди. Унинг ҳаёти – йўқотишлардан умид унган, сабрдан бахт барпо этилган ибратли қиссадир. Ҳикоямиз қаҳрамони бугун авлодлар давомийлигининг тирик гувоҳи сифатида яшамокда. Унинг 11 нафар невараси, 15 нафар эвараси ва 1 нафар чевараси бор. Бу – инсон умрининг энг катта ютуғи, тарбия ва меҳрининг узлуксиз давом этишини кўрсатувчи яққол далилдир. Авлодлар занжири узилмаган бу

хонадонда қадриятлар сақланиб, ҳаёт маъно билан бойиб бормокда.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашар эканмиз, гўё ўтмиш билан келажак ўртасидаги мустаҳкам кўприкни кўргандек бўламиз. Унинг ҳикматига тўла сўзлари, дуога йўғрилган ўғитлари орқали бугунги тинчликнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис қиламиз.

Биз кўпинча узоқ умр кўриш сирини тиббиёт ёки замонавий парҳезлардан излаймиз. Аммо Нурия Абдулинанинг ҳаёт йўлига назар ташласак, энг катта дори – қалб хотиржамлиги, пок ният ва ҳалол меҳнат эканини англаймиз.

Суҳбат давомида онахон хотираларини тиклашда, йиллар силсиласидаги воқеаларни аниқлашда унинг невараси – айна пайтда “Гулистон” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият юритаётган Вилан Зубаиров яқиндан кўмак берди. Унинг айтишича, маҳалладаги тинчлик, одамлар билан тил топишиш маданияти айнан шу хонадонда, момосининг ўғитлари баргида шакллانган.

– Маҳалладошларимизнинг оғирини енгил қилишда, ёшлар тарбиясида бувимнинг сўзларига таянаман. Ёшда мушкуллик туғилса, аввало улардан маслаҳат оламан. Унинг ҳар бир гапи биз, авлодлар учун, тайёр ҳаётий йўриқнома, – дейди у фахр билан.

Онахоннинг дуога очилган кўлларига боқиб, беихтиёр тинчлик ва соғлиқ нақадар улкан неъмат эканини ҳис қиламиз. Бир асрдан ортиқ яшаш – бу фақат вақтни ўтказиш эмас, балки ҳар қандай шароитда ҳам инсонийликни сақлаб қолишдир.

– Болам, ҳеч кимга ҳасад қилма, бировнинг ҳаққидан кўрқ ва доим меҳнат қил, – дейди онахон табассум билан. Пири бадавлат онахоннинг сўзларидан хулоса шуки, ҳаётни севиш учун у фақат шодликдан иборат бўлиши шарт эмас. Ҳар бир кунни омонат деб билиб, шукроналик билан яшашнинг ўзи бахтдир.

Ҳайдар Мақсудов маҳалласи аҳли учун Нурия момо фақат бир оиланинг чироғи эмас, балки бутун маҳалланинг маънавий устунидир. Вилан Зубаиров ҳар куни ишга чиқишдан олдин 103-баҳорини қарши олаётган бувисининг дуосини олади. Бу дуо гўё бутун маҳаллага куч, барака ва хотиржамлик улашиб тургандай. Зеро, дунёни ана шундай самимий дуолар тутиб туради.

**Ушбу саҳифани Саодат МУСАЕВА тайёрлади**







## “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ: ЭКОЛОГИК МУКАММАЛЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш ҳамда мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини кафолатли таъминлаш мақсадида 2023 йилда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинган эди. Ўтган ўта қисқа даврда мамлакатимизда олиб борилган тизимли ва шиддатли ислохотлар натижасида мазкур стратегияда белгиланган бир қатор устувор йўналишлар, мақсадлар ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришилди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилга қадар 160 миллиард долларга етказиш самарадорлик кўрсаткичининг 2025 йилнинг якуни билан деярли бажарилиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг яққол кўрсаткичидир. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини 2030 йилга қадар жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш самарадорлик кўрсаткичи 2025 йилнинг ўзида 30 фоизга етказилганлиги ёхуд муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни 12 фоизгача кенгайтириш кўрсаткичини 14,2 фоизга етказилганлиги булар борасида янги мақсад ва вазифаларни ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларини белгилашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлаган мурожаатномасида эришилган улкан натижалар, янги устувор вазифалар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда, дея таъкидланган эди. Мазкур ташаббус юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг изчиллиги ва очиклигини яна бир бор намоён этмоқда.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётининг устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тақомил босқичини ўтаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, инсон капитални ривожлантириш ҳамда ҳудудларни мутаносиб тараққий эттиришга йўналтирилганлиги билан бир қаторда сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларнинг алоҳида 3-йўналиш сифатида киритилиши эътирофга лойиқдир. Зеро, бугунги глобализация жараёнларида мазкур мақсад ва вазифалар Марказий Осиё минтақасининг экологик танглилик марказида жойлашган

мамлакатимиз учун ўта муҳим бўлган йўналиш ҳисобланади.

Хусусан, 2030 йилга бориб қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув тежовчи технологиялари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиш ва сув ишлаш самарадорлигини 25 фоизга ошириш йилдан – йилга сув тақчиллигини бошдан ўтказётган мамлакатда сув ресурсларидан самарали ва барқарор фойдаланиш имкониятларини яратади. Шунингдек, ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 миллион гектарга ҳамда Орол денгизи ҳудудида яшил майдонларнинг умумий ҳажмини 2,6 миллион гектарга етказиш янги самарадорлик кўрсаткичларининг белгиланиши нафақат мамлакатимиз, балки минтақа манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Сир эмас, бугун санаот корхоналари фаолияти аҳоли пунктларининг экологик ҳолатига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида стратегия лойиҳасида атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи 686 та хўжалик юритувчи субъектлардаги ифлослантирувчи технологияларни 100 фоиз модернизация қилиш, 425 та корхона ва ташкилотларда 100 фоиз локал оқова тозалаш иншоотларини қурилиши ва реконструкция қилинишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Мазкур мақсад ва вазифаларнинг Стратегияда белгиланиши ва тизимли амалга оширилиши Ўзбекистоннинг Париж келишувидан олинган мажбуриятларга содиқлигидан далолат беради.

Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий генерациядаги (истеъмолдаги) улушини 54 фоизга етказиш орқали иссиқхона газлари ташланмаларини ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан 2010 йил даражасига нисбатан 35 фоизга камайтириш имкониятлари яратилади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2026 йил стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхатида жами 4 та концепция ва 52 та стратегия ишлаб чиқиши белгиланган бўлиб, буларнинг аксарияти атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилон



Моҳира ХОДЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати

фойдаланиш соҳасига боғлиқ масалаларга йўналтирилганлиги экологларга катта масъулият ва ишонч бағишлайди.

Хусусан, Иқлим ўзгаришининг оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг миллий иқлим стратегияси, Ўзбекистон Республикасида саноат чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси, Оролбўйи минтақасини 2030 йилгача барқарор ривожлантириш стратегияси, 2030 йилгача мўлжалланган сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий стратегиялари шулар жумласидандир.

Ушбу жараёнда халқ вакили бўлган биз депутатларнинг, шунингдек, кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ислохотларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига хизмат қилади.

Шу боис, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган ушбу муҳим стратегия муҳокамасида ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этиши, билдирилаётган концептуал таклиф ва мулоҳазаларнинг эътиборга олинishi Янги Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

## МУЗЕЙЛАР ИСТИҚБОЛИ УЛАР НЙМАЛАРДА АКС ЭТАДИ?

**Жорий йилнинг 13 январь куни Олимпия ва Паралимпия шон-шўхрати музейи илмий фикр ва амалий тажриба уйғунлашган нуфузли анжуманга мезбонлик қилди. Маданий мерос агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Замонавий музейшунослик ва Янги Ўзбекистон музейлари: назария, амалиёт, истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий семинари музейлар соҳасида 2025 йил давомида амалга оширилган ишларга чуқур таҳлил қилиш, шу билан бирга келгусидаги устувор йўналишларни белгилаб олишга қаратилди.**

Семинарда мамлакатимиз музейшунослигининг етакчи олимлари, таниқли тарихчилар, маданият соҳаси мутахассислари ҳамда фаол ёш илмий ходимлар иштирок этиб, музей фаолиятини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атроф-ича фикр алмашдилар.

Тадбирнинг асосий мақсади музейларнинг илмий, маърифий ва маданий аҳамиятини ошириш, уларни Янги Ўзбекистон шароитида инновацион ёндашувлар асосида тараққий эттириш истиқболларини муҳокама қилишдан иборат бўлди. Семинар доирасида музейшунослик назарияси, экспонатларни сақлаш ва реставрация қилиш, интерактив таълим технологияларини жорий этиш, шунингдек, халқаро тажрибалар ва илгор амалиётлар мавзусида мазмунли маърузалар ва тақдимотлар намойиш этилди.

Бугунги кунда музейлар жамият ҳаётида фақатгина тарихий хотирани сақловчи маскан сифатида эмас, балки ёш авлодни маънавий тарбиялаш, илмий изланишларни рағбатлантириш ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилаётган муҳим маданий марказга айланиб бормоқда.

Семинар давомида 2025 йилда Ўзбекистон музейларида амалга оширилган асосий ишлар бўйича батафсил ҳисобот тақдим этилди. Жумладан, музей фондла-

рини рақамлаштириш, ноёб экспонатларни тиклаш, янги кўргазма лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиш каби йўналишларда салмоқли натижаларга эришилгани эътироф этилди.

Тадбир якунида музейлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли вазифалар белгилаб олинди. Улар қаторида музейларни рақамлаштириш ва виртуал экскурсияларни кенгайтириш, экспонатларни сақлаш ва консервация қилиш ишларини такомиллаштириш, илмий-маърифий фаолиятни кучайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш каби масалалар муҳим ўрин эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда, 13 январь куни ўтказилган мазкур республика илмий-амалий семинари Ўзбекистон музейлари соҳасида амалга оширилган ишларни тизимли равишда сарҳисоб қилиш, келгусидаги ривожланиш йўллари белгилаш ва замонавий музейшунослик тамойилларини амалиётга жорий этишда муҳим майдон вазифасини ўтади. Семинар натижалари Янги Ўзбекистон музейлари ривожига янги туртки бериб, уларнинг миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказишдаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

**Миршароф ҚАРШИЕВ,**  
“Чирчиқ шаҳар тарихи музейи”  
директори

## SHOIRLARNING SULTONI

(Davomi. Boshi 1 - sahifada)

**Yuz jafa qilsa manga bir qatla faryod aylamon,  
Elga qilsa bir jafa, yuz qatla faryod aylaram.**

Demak, buyuk mutafakkirning har bir asari, har bir baytini Navoiyga xos bo'lgan ma'naviyat, teranlik va tafakkur erkinligi bilan o'qishga intilish zarur. Buning uchun faqat bilim va fanlarni egallashning o'zi yetarli emas, balki ilmni ma'rifat bilan bog'lash lozim. Ya'ni, aql va mantiq mahsuli bo'lgan fikrlarni birlashtirib, kuzatuvchanlik va tahlil qilish qobiliyatining yanada yuksak darajasiga erishishga intilish kerak. Faqat shundagina zamonaviylikning eng murakkab va dolzarb muammosi – insonning o'zini anglash masalasi bilan bir qatorda muammolarni ham yengillashadi hamda Navoiy satrlarini hayotga tatbiq eta oladigan insonlar safi kengayadi:

**Ofarinishdin qilib inson g'araz,  
Oni aylab xalq ichinda bezavaz.  
Ko'nglin ochina maxzani irfon qilib,  
Ul tilism iching o'zin pinhon qilib.**

Bugun navoiyshunoslikda yangi, ilhom baxsh etuvchi davr boshlandi. Nisbatan qisqa vaqt ichida shoirning ilmiy-adabiy merosini tadqiq etishga bag'ishlangan yuzlab maqolalar, o'nlab risolalar, monografiyalor va turli mavzulardagi kitoblarni chop etildi. Navoiyning o'n jildlik to'liq asarlar to'plami uning ijodi ixlosmandlari uchun uzoq kutilgan bebaho tuhfa bo'ldi. “Alisher Navoiy: qomusiy lug'at” va “Navoiy ensiklopediyasi” nashr etildi, “Sharq uyg'onishi va Alisher Navoiy ijodi” mavzusida fundamental tadqiqotlar olib borilmoqda

Tadqiqotchilar va adabiyotshunoslar fikricha, Vatanga va xalqqa muhabbat, to'g'ri va pok yo'dan og'ishmay borish, har qanday vaziyatda adolatga sodiq bo'lishga intilish hamda Navoiy uchun komil insonni shakllantirishning buzilmas shartlari bo'lgan. Buyuk shoir kelajak avlod vakillarini aynan shunday – kuchli, bilimli, maqsadga intilgan shu bilan birga atrofda olamni o'zgartirishga qodir, aql salohiyatiga ega insonlar sifatida ko'rishni istagan.

Bu yil o'zbek xalqining daho farzandi Alisher Navoiyning tavalludiga 585 yil to'lmog'da. Uning yuksak orzulari, insonparvarlik g'oyalari va olijanob maqsadlari butun insoniyatning bebaho boyligi sifatida e'tirof etilgan bo'lib, ijodi hanuzgacha ilhom manbai bo'lib xizmat qilib kelmoqda.

Yosh olimlar buyuk shoir, mutafakkir va gumanistning adabiy hamda falsafiy merosini tadqiq etishni davom ettirmoqdalar. Ularni she'riy matnlar, axloqiy-etik va didaktik pand-nasihatlarida yashiringan ko'plab sirlarni ochish kutmoqda. Shoir bu o'g'itlarni, avvalo, yosh avlodga murojaat sifatida taqdim etib, har bir yosh o'z xatti-harakatlarining mohiyatini chuqurroq anglashiga, hayotda to'g'ri yo'lni topishiga chorlaydi.

Uning asarlari dunyo yoshlarining intellektual salohiyatiga xizmat qilishda davom etadi. Ibrat va ilhom manbai hisoblanadi. Shoirning badiiy, ilmiy hamda davlat va jamoat faoliyati yoshlarning ijtimoiy-siyosiy va badiiy-falsafiy tafakkuri rivojiga, adabiyot, madaniyat, san'at va jamiyat hayotining boshqa sohalari ravnaqiga katta hissa qo'shmoqda.

**Zulfizar TUYCHIYEVA,**  
ChDPU talabasi, Navoiy nomli davlat  
stipendianti



## Архив иши

Архив иши соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда самарали бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ-228-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат “Ўзбекистон – 2030”



стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЕЗЛАШАДИ

Фармонга мувофиқ, 2025 йил 1 мартдан бошлаб қатор архив хизматларини кўрсатиш муддатлари қисқартирилади.

Хусусан, архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш учун рухсатнома бериш муддати 15 иш кунидан 5 иш кунигача;

- яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш муддати 20 иш кунидан 10 иш кунигача;

- олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотмасини бериш муддати 5 иш кунидан 2 иш кунигача;

- архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон

нусха олиш) муддати 3 иш кунидан 1 иш кунигача қисқартирилди.

Шунингдек, Фармонга асосан 2026 йил 1 майдан бошлаб архив хизматларини кўрсатиш жараёнида айрим ҳужжатларни талаб қилиш тартиби бекор қилинади.

Жумладан, архив ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича аттестациядан ўтишда архив муассасаси раҳбарининг тавсия хати;

- мавзули сўровлар бўйича маълумотнома олишда сўралаётган ҳужжат нусхаси;

- архив ҳужжатларини Ўзбекистондан ташқарига вақтинча олиб чиқишда уларни тасарруфдан чиқариш ёки бошқа шахсга ўтказишни тасдиқловчи ҳужжатлар;

- тижорат ташкилотлари ҳужжатларининг давлат архивига топши-

рилганлигини тасдиқловчи маълумотнома. Ушбу маълумот эндиликда давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан Архив ахборот тизими орқали мустақил равишда олинади.

Бундан ташқари, Фармон билан Адлия вазирлигининг 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқароларга оилавий шажаралар бўйича маълумотларни онлайн тарзда тақдим этиш имконини берувчи “Шажара” ахборот тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Ушбу янгиликлар архив хизматларидан фойдаланишни янада соддалаштириб, аҳоли учун қулайликлар яратишга хизмат қилади.

**Достонжон НАЗИРОВ,**  
**Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси**

Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар самарадорлиги, аввало, давлат хизматларининг аҳоли учун қулайлиги ва сифатига боғлиқ. Жисмоний ҳамда юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиб, жамоат манфаатларига хизмат қилади.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ЯГОНА РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2025 йил 21 ноябрдаги буйруғи билан «Давлат хизматлари ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Ушбу реестр жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши мумкин бўлган барча давлат хизматлари бўйича ягона очиқ маълумотлар базаси ҳисобланади.

Низомга мувофиқ, ҳар бир давлат хизмати бўйича махсус паспорт шакллантирилади. Унда хизматнинг номи, кўрсатиш тартиби, талаб этиладиган ҳужжатлар, тўлов миқдори, хизмат кўрсатиш муддати ва натижаси тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Давлат хизматлари ягона реестри «Давлат хизматлари» онлайн ахборот тизими

орқали шакллантирилади ва юритилади. Реестрга янги хизматларни киритиш, амалдаги хизматларни бекор қилиш ёки уларга ўзгартириш киритиш фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Адлия вазирлиги реестрнинг тўлиқ, ишончли ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлайди. Давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар эса ўз хизматлари бўйича маълумотларни белгиланган тартибда ўз вақтида янгиллаб боришга масъул ҳисобланади.

Мазкур янгиликлар давлат хизматларидан фойдаланишда очиқликни таъминлаб, аҳоли учун хизматларни янада содда ва тушунарли қилишга хизмат қилади.

**Дилшодбек КАМИЛЖАНОВ,**  
**Чирчиқ шаҳар Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази сервис менежери**

## ИШОНЧЛИ КЎПРИК

Мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар бир оила даромадини оширишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Ана шу ислохотлар доирасида жорий этилган “маҳалла банкири” институти аҳоли ва банк тизими ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажармоқда.



Маҳалла банкири сифатидаги фаолиятим давомида шуни яққол ҳис қилдимки, банк хизматларини аҳолига яқинлаштириш орқали кўплаб инсонларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилиш мумкин экан.

Маҳалла банкирининг асосий вазифаси – фуқароларга банк хизматларини содда, тушунарли ва қулай тарзда етказишдир. Биз маҳаллаларда фаолият юритиб, аҳолининг эҳтиёжини ўрганамиз, ҳар бир оиланинг имкониятларидан келиб чиқиб, молиявий ечимлар таклиф қиламиз.

Айниқса, ишсиз фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, касаначиликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш каби йўналишларда амалий ёрдам кўрсати-

моқда. Натижада, кўплаб оилалар ўз даромад манбаига эга бўлиб, оилавий фаровонликка эришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк хизматлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган аҳоли қатлами учун маҳалла банкири ишончли маслаҳатчи вазифасини ўтайди. Кредит, субсидия, имтиёзли молиялаштириш, омонат ва тўлов хизматлари бўйича берилаётган тушунтиришлар орқали фуқаролар ўз режаларини аниқ белгилаб олиш имконига эга бўлмоқда.

Энг қувонарлиси, кўплаб инсонлар аввал ишончсизлик билан қараган банк тизимига нисбатан муносабатини ўзгартириб, уни ривожланишга хизмат қиладиган имконият сифатида қабул қила бошлади.

Маҳалла банкири маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу эса ҳар бир оила муаммосига комплекс ёндашиш, тизимли ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Бундай ҳамкорлик натижасида нафақат молиявий, балки ижтимоий масалалар ҳам ўз вақтида ҳал этилиб, аҳолининг давлат сиёсатига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Маҳалла банкири учун энг катта ютуқ – фуқароларнинг ишончи. Чунки ишонч бор жойда самара, натижа ва тараққиёт бўлади. Биз ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашиб, аҳоли дардига қулоқ тутиб, амалий ёрдам кўрсатишни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Ишонч билан айтиш мумкинки, маҳалла банкири – фақат молиявий маслаҳатчи эмас, балки аҳоли фаровонлиги учун хизмат қиладиган фидойи ҳамкордир.

**Жавоҳир УРИНОВ**

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадал кириб келмоқда. Нотариал фаолият ҳам бу жараёндан четда қолмади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, нотариал ҳаракатларни видеоконференция алоқа воситалари орқали амалга ошириш ҳуқуқий хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда.

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни, шунингдек, давлат хизматларини рақамлаштиришга қаратилган Президент фармон ва қарорлари нотариал ҳаракатларни масофавий шаклда амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Видеоконференция орқали нотариал ҳаракатларни амалга оширишда қонун талабларига қатъий риоя қилинади. Жумладан, шахсни аниқлаш, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини баён этиш ҳамда уларнинг ихтиёрий розилигини олиш нотариус назорати остида амалга оширилади.

Амалиётда фуқароларнинг нотариусга келиш имконияти чекланган ҳолатлар тез-тез учраб туради. Хусусан, бошқа ҳудудда ёки хорижда бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳамда кекса инсонлар учун видеоконференция орқали нотариал ҳаракатларни амалга ошириш катта энгиллик яратади. Улар ўз яшаш жойини тарк этмасдан туриб, қонуний нотариал хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Видеоконференция орқали хизмат кўрсатиш нотариус фаолиятини янада самарали ташкил этиш имконини беради. Ҳужжатларни олдиндан электрон



тарзда ўрганиш, суҳбатни белгиланган вақтда ўтказиш ва натижаларни АТТ «Нотариус» ахборот тизимида қайд этиш орқали ортиқча ташкилий жараёнлар қисқаради. Бу эса нотариуснинг ҳар бир ишга масъулият билан, пухта ва чуқур ёндашишига замин яратади.

Амалиётда фуқароларнинг нотариусга келиш имконияти чекланган ҳолатлар тез-тез учраб туради. Хусусан, бошқа ҳудудда ёки хорижда бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳамда кекса инсонлар учун видеоконференция орқали нотариал ҳаракатларни амалга ошириш катта энгиллик яратади. Улар ўз яшаш жойини тарк этмасдан туриб, қонуний нотариал хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.


Видеоконференция жараёни тўлиқ равишда

нотариус томонидан назорат қилинади. Суҳбат давомида тарафларнинг шахсий иштироки, эркин иродаси ҳамда ҳужжат мазмун-моҳиятини англаган ҳолда нотариал ҳаракат расмийлаштирилади. Барча ҳаракатларнинг АТТ «Нотариус» тизимида қайд этилиши эса нотариал ҳаракатларнинг шаффофлиги ва қонунийлигини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, нотариал ҳаракатларни видеоконференция орқали амалга ошириш – қонунчиликка тўлиқ мос, хавфсиз ва қулай ҳуқуқий ечим бўлиб, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда нотариат соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантиришга хизмат қилади.

**Парвеза УМАРОВА,**  
**Чирчиқ шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**





## “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”ДА ЯНГИ БОСҚИЧ



**OpenBudget**  
O'zbekiston Respublikasi  
"Ochiq Budget" Portali

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг маҳаллий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини кучайтиришга қаратилган “Ташаббусли бюджет” жараёнлари изчил такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги ПҚ–264-сонли қарори ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги тегишли қарори асосида мазкур тизимга бир қатор муҳим янгилик ва ўзгаришлар жорий этилди. Янги тартиблардан кўзланган асосий мақсад – халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ташаббусларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашдан иборат.

Энг муҳим янгиликлардан бири – лойиҳа қийматининг камида 50 фоизи аҳоли томонидан молиялаштирилган тақдирда, лойиҳа автоматик равишда ғолиб деб эълон қилинади. Қолган 50 фоиз маблағ давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Бу эса фуқароларнинг ташаббус ва масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рўйхатига киритилган маҳаллалар учун қўлайлик яратилиб, лойиҳа қийматининг атиги 25 фоизини йиғишнинг ўзи етарли деб белгиланди.

Бу имтиёз интизомли солиқ тўловчи маҳаллаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Агар белгиланган 50 фоизлик маблағ йиғилмаса, тўпланган маблағлар фуқароларга тўлиқ ва кафолатли тарзда қайтарилиши ҳам янги тартибнинг муҳим жиҳатларидан бири. Шерикчилик асосидаги молиялаштириш – ихтиёрий ва шаффоф “Ташаббусли бюджет” доирасида шерикчилик асосида молиялаштириш механизми ҳам такомиллаштирилди. Ушбу тартиб ихтиёрий бўлиб, махсус белгиланган механизм асосида амалга оширилади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ташаббускор фуқаролар ҳамда маҳалла раиси томонидан тасдиқланади. Овоз бериш ва маблағ йиғиш жараёнлари эса махсус транзит ҳисобрақамлар орқали амалга оширилади. Бу эса молиявий операцияларнинг шаффофлигини таъминлаб, фуқаролар ишончини янада мустаҳкамлайди.

Яна бир муҳим янгилик – халқ депутатларининг жараёндаги ролини кучайтириш билан боғлиқ. Эндиликда овоз бериш натижасида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан ҳар бир депутат ўз сайлов округига тегишли битта лойиҳани қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур ташаббусни молиялаштириш учун ҳар бир депутатга йилига 3,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бу эса ҳудудлардаги долзарб муаммоларни тезроқ ҳал этиш, аҳоли эҳтиёжларини инобатга олиш имконини беради.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларига киритилган ушбу янгиликлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириб, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлашда янги босқични бошлаб бормоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришлар аҳоли, маҳалла ва халқ вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради.

**Ўз мухбиримиз**

**Китоблар ҳар биримизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик болажонларнинг “нега” деган саволларига жавоб беради. Катталарга ҳаёт ўлларини аниқлашга кўмаклашиб, фойдали маслаҳатлар улаша олади.**

## КИТОБ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Биз сизга китоб қандай пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот бермоқчимиз. Китобнинг пайдо бўлиш тарихи мураккаб ва қизиқарли. Хўш, сиз фарзандларингиз билан китоблар тарихи бўлаб қизиқарли саёҳатга тайёрмисиз?

Бир пайтлар дунё бўйича китобумуман йўқ эди. Муҳим маълумотларни эслаб қолиш учун

одамлар дарахтларга, ғорларнинг деворларига ёзардилар, арқонга тугунлар боғладилар. Уша пайтда ёзув ҳам йўқ эди, лекин одамлар қизишни билишарди. Чизмаларида улар ҳаётининг асосий воқеаларини акс эттирганлар. Биринчи китоблар жуда ғайриоддий ва замонавий китоблардан фарқли ўлароқ эди. Вақт ўтиши билан одамлар лойдан фойдаланишни ўрганди-

лар. Нам лойга ёзувларни қўллаш жуда қўлай эди, кейин бу планшетлар ўчоқда пиширилди ва улар енгил ҳамда мустаҳкам бўлди. Лой китоблар ҳозирга таққосланганда юзлаб шундай планшетлардан иборат бўли-



ши мумкин. Улар ёғоч қутида сақланган.

Қадимги Миср, Рим ва Грецияда папирусдан китоблар ясал-

ган. Бунинг учун қамиш поялари чизиқлар билан кесилган, сувга намланган ва кейин бир-бирига ёпиштирилган. Папирус ёғоч таёқ ёки чўтка билан ёзилган, бўёқ эса кўмир қатрони билан аралаштирилган. Кейин папирус ёғоч ёки суяк таёқчаларга ўралган. Аммо вақт ўтиши билан папирус намликдан парчалана бошлаб, ҳолати ёмонлаша бошлади. Кейинроқ одамлар ёзиш учун янги материал – ҳайвонлар терисидан тайёрланган пергаментни ихтиро қилдилар. Аммо китоб яшашнинг бу усули жуда қimmat бўлгани учун камбағаллар ундан фойдалана олмасди. Улар қайин пўстлоғига ёздилар. 10-асрга бориб эса қоғоз пайдо бўлди.

Айтишларича, биринчи қоғоз Хитойда яратилган. Қоғоз ёзиш

учун қўлай восита бўлиб чиқди ва уни ишлаб чиқариш бошқа усулларга қараганда анча содда ва арзонроқ эди.

Замонавий қоғоз ёғочдан ясалган. Дарахт оппоқ вараққа айланиши учун кўп меҳнат талаб қилинади: ёғоч усталари дарахтларни кесишади, уларни сувда ивитишади, кейин эса ёғочни қайта ишлаш заводида юборилади, у ерда ёғоч тозаланади, аррланади. Олинган тотали масса бўр билан аралаштирилади ва махсус машинага юборилади, ундан тайёр оқ қоғоз чиқади.

**Бу китоб учун жуда узоқ ва машаққатли йўл!**

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди**



## ТАРИХНИ ТИЛГА КИРИТГАН МАНЗИЛ



Куни кеча Тошкент вилояти ҳокими ташаббуси билан ташкиллаштирилган саёҳатда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар маънавиятчилари, маҳаллий нашр муҳаррирлари Ислом цивилизацияси марказида бўлиб, ушбу марказ жамиятда маънавий камолот ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи йирик илмий-маърифий маскан эканига гувоҳ бўлдик. Айниқса, марказ ҳудудида ташкил этилган спортга бағишланган махсус бурчак эса спорт, маънавият ва замонавий технологияларни ўзида мужассам этган ноёб ва таъсирчан экспозиция сифатида ташриф буюрувчилар эътиборини тортди.

Ушбу бурчакда мамлакатимиз спортчиларининг халқаро ва республика миқёсида эришган юксак ютуқлари, қўлга киритилган медаллар, кубоклар ва тарихий ғалабалар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир экспонат ортида матонат, машаққатли меҳнат ва юрт шарафини муносиб ҳимоя қилиш каби улуғ фазилатлар мужассам.

Экспозициянинг энг замонавий жиҳатларидан бири — сунъий интеллект технологиялари асосида тайёрланган видео ва визуал тасвирлардир. Ушбу видеоларда спортчиларимизнинг машаққатли тайёргарлик жараёнлари, ҳал қилувчи лаҳзалардаги ғалабалари, давлатимиз байроғи баланд кўтарилган фахрли онлар жонли, динамик ва таъсирчан тарзда акс эттирилган. Бу эса томошабинда гўё ўша лаҳзаларни бевосита бошдан кечираётгандек ҳис уйғотади.

Сунъий интеллект орқали яратилган визуал материаллар спортнинг нафақат жисмоний қувват, балки кучли ирода, сабр-тоқат, интизом, садоқат ва ватанпарварлик каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришини яққол намоён этади. Бу жиҳатлар ислом таълимотида инсон саломатлиги, маънавий поклик ва баркамоллик ҳақидаги ғоялар билан уйғун ҳолда ёритиб берилади.

Бурчакда ислом тарихида жисмоний тарбия ва спортга берилган аҳамиятга доир маълумотлар ҳам кенг ёритилган. Ҳадисларда тилга олинган сузиш, от миниб ва камон отиш каби машғулотлар ҳақидаги маълумотлар орқали спортнинг ислом цивилизациясида ҳамаша қадрлангани илмий ва маърифий асосда тушунтирилади. Бу эса спорт ва маънавият бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар эканини яна бир бор исботлайди.

Айниқса, ёшлар учун ушбу бурчак катта тарбиявий аҳамиятга эга. У спортга қизиқиш уйғотиш, соғлом турмуш тарзини ҳаёт тамойилига айлантириш, ғалабалар орқали Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва фахр туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Экспозиция ёш авлодни фаолликка, интизомга ва юксак мақсадлар сари интилишга қўрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом цивилизацияси марказининг спортга бағишланган бурчаги — бу ғалабалар тарихи, маънавият ва замонавий технологиялар уйғунлигини ўзида мужассам этган илғор маърифий макондир. У соғлом, билимли ва комил авлод тарбияси йўлида муҳим аҳамият касб этиб, спорт орқали инсон камолотини тарғиб этувчи ўзига хос илҳом манбаига айланган.

Назокат УМАРОВА,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази шаҳар бўлинмаси раҳбари

Бугун жамиятда ўйлантирадиган, ҳатто кўрқитадиган бир ҳолат кузатиляпти: Ватан ҳақида ёзилган шеърга ҳам тоқат қилолмайдианлар пайдо бўлди.



## ШЕЪРИЯТГА ТОҚАТ ҚОЛМАДИМИ?

Яқинда Чирчиқ шаҳар ҳокими Муроджон Абдурахимовга мурожаатлар гуруҳида шундай ҳолат юз берди. Бир инсон ватанга бағишланган шеър юборди. Аммо унга бошқа бир инсон томонидан жавоб ўрнида миннатдорлик ёки ҳурмат эмас, балки нафратга тўла: «Бу ерга шеърини жўнатма» деган сўз ёзилди.

Бу оддий беадабликми? Ёки бу — ватан туйғусини билмаслиكنинг очиқ ифодасими? Ахир тинч ва осойишта юртда яшаш, ҳар тонг хавотирсиз уйғониш, болаларнинг кулгусини кўрқмасдан эшитиш — бахт эмасми? Дунёда ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган, «ватан» деган сўзни фақат хотира сифатида сақлаётган миллионлаб инсонлар бор. Биз эса шу неъмат ичида туриб, ватан ҳақидаги бир парча шеърга ҳам тоқат қилолмай қолдик, назаримиз. Ватан ҳақида шеър ёки қўшиқ янграганда қалби титрайдианлар ҳам бор. Шахсан мен учун ватан ҳақидаги қўшиқлар — айниқса, Севара Назархон ижросидаги асарлар — юракдан чиқади. Уларни «караоке» қилиб бирга куйлаш ҳам завқ, ҳам шукрона. Чунки, бу қўшиқлар ким эканингни, қандай юртда яшаётганингни эсга солади. Аммо афсуски, айримлар учун ватан мавзуси ортиқча. Уларга шеър керак эмас, қўшиқ ҳам ёқмайди. Аслида уларни шеър уйғотадиган виждон безовта қилади. Чунки ватан ҳақида сўз кетганда, инсон ўз-ўзига савол беради: «Мен бу юрт учун нима қилдим?» Ана шу саволдан қочган одам, аввало, шеърга, кейин эса ҳар қандай миллий қадриятга қарши чиқади. Ватан — бу тренд эмас, лайк учун ёзилмаган гап эмас. Ватан — олий муқаддаслик. Уни ҳис қилмаган инсондан нафрат ҳам, менсимаслик ҳам чиқади. Лекин бир ҳақиқат бор: Ватанини менсимаган одамни эртага ўзини ҳам менсимамай қўйишади.

Шеърга тоқат йўқолган жойда, эртага қўшиққа, индинига эса байроққа, тарихга, она тилга ҳам тоқат қолмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай ҳолатларга «оддий гап» деб қарамаслик керак. Чунки, ватан туйғуси сўна бошлаган жамиятда — маънавият ҳам, виждон ҳам заифлашади. Ваҳобжон АБДУЛЛАЕВ, ёшлар фаоли



Muassis:  
Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar  
**HOKIMLIGI**



“Chirchiq tongi” gazetasi tahrir  
hay’ati:

**Murodjon ABDURAHIMOV**

(tahrir hay’ati raisi)

**G’afurjon MUHAMEDOV**

**Dilshod MANNONOV**

**Qahramonjon ZOIDOV**

**Ummatbek ABLABEKOV**

**Saodat MUSAYEVA**

**Ilhom ASADOV**

Bosh muharrir:

**Iroda**

**MUHAMMADAZIZOVA**

Gazetaga 1932-yilda asos  
solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent  
viloyati Matbuot va axborot  
boshqarmasida 03-024 raqam  
bilan ro’yxatga olingan

**Manzilimiz:** 111700,

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,  
Amir Temur ko’chasi, 1-uy, 409,  
410, 411 va 412-xonalar

**Adadi:** 3700 nusxa.

**Hajmi** - 1,5 bosma taboq.  
Qog’oz bichimi A-3. Offset  
usulida bosilgan. Bahosi  
kelishilgan narxda  
ISSN 2181-7170

**Telefonlar:**

**Qabulxona:**

71-71-5-36-40.

**E’lonlar va hisob-kitob  
bo’limi:**

71-71-5-00-14

**Nashr indeksi:** 64694

Topshirish vaqti-13.00.  
Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter  
markazida  
**Xatira YUSUPOVA**  
tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

**Malika Riskidinova**

Tahririyatga kelgan  
qo’lyozmalar taqrir qilinmaydi  
va muallifga qaytarilmaydi.  
Reklama materialidagi dalillar  
va faktlarga tahririyat javobgar  
emas

«NISO NASHRIYOT VA  
MATBAA UYI» MCHJ  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:  
Toshkent viloyati, O’rta Chirchiq  
tumani,  
Mash’al mahallasi, Markaziy  
ko’cha, 1-uy.

**Buyurtma №**

## ИЖОД ВА МАҲОРАТНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН УЧРАШУВ

Шаҳримиздаги 3-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида санъатсеварлар учун ҳақиқий байрамга айланган тадбир — ижодий учрашув ва маҳорат дарси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур хореограф Муҳаббат Қурбонова ҳамда Малика Қурбонова иштирок этди. Ушбу



учрашув ёш иқтидор эгалари, устозлар ва санъат мухлислари учун илҳом манбаи бўлди.

Тадбир аввалида мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган рақс композициялари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Миллий либослардаги болаларнинг жонли чиқишлари, сахна маданияти ва ҳаракатлар уйғунлиги тадбирга ўзига хос руҳ бағишлади.

Ижодий учрашув давомида меҳмонлар ўз ҳаёт йўли, санъатга кириб келиш жара-

ёнлари, меҳнат ва изланиш орқали эришилган ютуқлар ҳақида самимий фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, тажрибали устозлардан бевосита маслаҳат эшитиш имконига эга бўлишди.

Шунингдек, тадбир доирасида маҳорат дарси ҳам ташкил этилди. Унда рақс ҳаракатларининг нозик жиҳатлари, сахнада ўзини туттиш, образ устида ишлаш каби муҳим масалалар амалиёт орқали кўрсатиб берилди. Бу дарс ўқувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда катта аҳамият касб этди.

Тадбир якунида меҳмонларга мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари ва ташаккурномалар топширилди. Ижодий учрашув барчада илиқ таассурот қолдириб, санъатга бўлган муҳаббатни янада мустаҳкамлади.

Хатира ЮСУПОВА

## ЭЪЛОН

«CHIRCHIQ KREDIT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» MCHJ

«CHIRCHIQ KREDIT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» QK MCHJ деб қайта номланди (асос: иштирокчиларнинг 2026 йил 26 январдаги 6-сонли умумий йиғилиши қарори ҳамда 2026 йил 27 январдаги 3104374-сонли Низом). Илгари тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар сақланиб қолади.

«CHIRCHIQ KREDIT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» QK MCHJ

маъмурияти